

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 6/s

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/6 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине – педагогика фанлари доктори, доцент.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Мамаражабов Бобир Нормүмин ўғли</i> САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК .....	8-17
<i>Хайдаров Абдулҳоди Ахмадали ўғли</i> XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ТОМОРҶАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР .....	18-22
<i>Назаров Азизбек Ёқубжонович</i> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ .....	23-31
<i>Abdulloyev Jamshed Izzatulloyevich</i> MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI .....	32-36
<i>Пасилов Баҳодир Абдуллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНинг АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) .....	37-41
<i>Ismailov G'afurjon Xasanovich</i> TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI" MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI .....	42-46
<i>Raxmatulloyev Murodjon Xikmatulloyevich</i> BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA OID ISLOHOTLAR .....	47-50
<i>Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna</i> SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY T AHLIL .....	51-55
<i>Нафиддинова Хосият Равшановна</i> БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР .....	56-60

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Zhang Hongzhi, Wu Bo</i> RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR SPREAD .....	61-66
<i>Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna</i> MIN TAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI .....	67-72
<i>Nayimov Shoxruh</i> PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A COMMERCIAL BANK .....	73-79

*Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich*

ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE  
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 80-88

*Rahmatullaev Bezhzod Rahmatullaevich*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
МАСАЛАЛАРИ ..... 89-95

*Abdullayeva Zamira Muxtarovna*

МЕҲНАТ BOZORI TALABLARIGA OLIY TA'LIM XIZMATLARI MODELLARINI  
MOSLASHTIRISH ..... 96-102

*Imomov Xolmurod Norkulovich, Sharipov Tulkin Saidakhmedovich*

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ ..... 103-114

*Erqashov Akmadzhon Mahmudjon yfli*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 115-122

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Imomova Nozimaxon Avazxonovna*

JAMIyat FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS IJTIMOIY-FALSAFIY  
XUSUSIYATLARI ..... 123-129

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*

ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI ..... 130-133

*Jabborova Saodat Sattorovna*

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA'NAVIY SALOHIYATNI YUKSALTIRISHDA QO'SHGAN  
HISSASI ..... 134-142

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Tuxtasinova Mahliyoxon Shavkatjon qizi*

L.Z.BUDAGOV LUG'ATIDA ESKI O'ZBEKCHA SO'ZLARNING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA  
IZOHLANISHI ..... 143-149

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TA'LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDА EKVIVALENTLIK  
MASALASI ..... 150-154

*Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna*

UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY  
TA'MINOTI ..... 155-160

*Mirzayeva Yelena Sa'dullaevna*

O'ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH ..... 161-166

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*

INGLIZ TILIDAGI KO'P MA'NOLI IBORALARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI .....	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida) .....	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> “МАНБУБ UL-QULUB” ASARIDAGI FRAZEMALAR LARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	177-181

**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Zulfiqarov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР FAOLIYТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	182-191
<i>Talibaev Umidjon Shergaziyevich</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ. ....	192-199

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES .....	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESSOF A FOREIGN LANGUAGE .....	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI .....	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI .....	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN .....	237-242
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI .....	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	248-254

*07.00.00-Тарих фанлари*

**Пасилов Баҳодир Абдуллаевич**  
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университетининг доценти, т.ф.н.

### **ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИННИГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 ЙЙ.)**

**Аннотация.** Мақолада муаллиф Ўзбекистон ССРда совет иқтисодий тузумининг шаклланиши жараёнининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Совет раҳбариятининг иқтисодий сиёсати Ўзбекистонни мамлакатнинг хом-ашё етказиб берувчи минтақага айлантиришга йўналтирилгани ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Ўзбекистон ССР, режали иқтисодиёт, совет ҳукуматининг иқтисодий сиёсати, хом-ашё ресурслари.

---

**Pasilov Bahadir Abdullaevich**  
Associate Professor of Tashkent State Pedagogical University  
named after Nizami, Ph.D. in History

### **SOME ISSUES OF THE FORMATION OF THE FOUNDATIONS OF THE SOVIET ECONOMY IN UZBEKISTAN SSR (1917-1937)**

**Abstract.** In the article the author analyses some theoretical and practical aspects of the formation of the Soviet economic system in the Uzbek SSR. It was revealed that the economic policy of the Soviet leadership was aimed at turning the republic into a raw material region of the country.

**Key words:** Turkestan, Uzbek SSR, planned economy, economic policy of the Soviet government, raw material resources.

---

**Пасилов Баҳадир Абдуллаевич**  
Доцент Ташкентского государственного педагогического  
университета имени Низами, кандидат исторических наук.

### **НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СТАНОВЛЕНИЯ ОСНОВ СОВЕТСКОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКСКОЙ ССР (1917-1937 ГГ.)**

**Аннотация.** В статье автор проанализировал некоторые теоретические и практические аспекты становления советской экономической системы в Узбекской ССР. Выявлено, что экономическая политика советского руководства была направлена на то, чтобы превратить республику в сырьевой регион страны.

**Ключевые слова:** Туркестан, Узбекская ССР, плановая экономика, экономическая политика советского правительства, сырьевые ресурсы.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N05>

Туркистонда тоталитар большевистик ҳокимият ўрнатилиши биланоқ совет маъмурий-буйруқбозлик ва экстенсив иқтисодининг асослари шакллантирила бошланди. Туркистон большевиклари Россия Коммунистик партияси (РКП(б)нинг қатъий назорати остида 1918 йилнинг бошларида ўлкада “социализм қуришнинг ленинча режасини амалга ошириш амалиётини бошлаб юборди”.

Большевиклар дастуридаги иқтисодни социалистик аснода қайта ташкил қилишнинг асосий тамойилларидан бири бу ишлаб чиқаришдаги хусусий мулкчиликни тугатиш эди. Шу боис РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 28 июнданги декрети асосида Туркистон АССРдаги совет ҳукумати саноатнинг асосий соҳаларини национализация қилишга киришди. 1918 йилнинг охирига келиб Туркистондаги 500дан зиёд йирик саноат корхоналари национализация қилинди (давлат тасарруфига ўтказилди). Туркистондаги ўрта ва кичик корхоналарни национализация қилиш эса 1919-1920 йиллар давомида тўлалигича амалга оширилди [1; 75].

Тарихий жараёнларни синфилик тамойили асосида бир томонлама таҳлил қилишга асосланган совет тарихшунослиги эътироф қилганидек, хусусий банклар, темирийўл транспорти ва саноат корхоналарининг национализация қилиниши “рус ва маҳаллий буржуазиянинг қудратига катта путур етказди, ва айни вақтда саноат ва транспортда социалистик укладнинг вужудга келишини бошлаб берди” [1; 75].

Таъкидлаш жоизки, хусусий банклар, темирийўл транспорти ва саноат корхоналарининг национализация қилиниши нафақат “социалистик укладнинг вужудга келишини бошлаб берди”, балки ўлка иқтисодидаги чуқур инқирозни ҳам келтириб чиқарди.

Шунингдек шу йилларда Туркистонда совет экстенсив иқтисодининг асослари ҳам яратилиб, бу эса келажакда Ўзбекистонни Марказнинг минтақадаги хом-ашё базасига айлантириш учун хизмат қилди.

Марказдаги совет ҳукумати ва маҳаллий большевиклар томонидан бошқарилаётган ўлкадаги совет ҳокимиятининг тасаввuriда Туркистон хом-ашё минтақаси бўлиб, у ўз навбатида совет Россияси саноатининг хом-ашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлаши лозим эди. Бунинг устига, Туркистон иқтисоди совет иқтисодиётининг таркибий қисми сифатида ягона сиёсий ва иқтисодий Марказ, яъни Москвадан бошқарилиши керак эди.

Шундай қилиб, ўлка большевиклари эътироф қилишганидек, “агар Марказий Россия бутун Совет федерациясининг “умумий фаровонлиги учун” Туркистон хом-ашёсини олишдан (таъкид бизники – Б.П.) ниҳоятда манфаатдор экан, демак ўлканинг Россия билан ўзаро иқтисодий муносабатлари ягона иқтисодий марказ томонидан йўналтириб туриладиган (таъкид бизники – Б.П.) саноатни умумий тизим орқали бошқариш, озиқ-овқат, транспорт, тариф ва молия соҳаларидаги умумий сиёsat орқалигина “тўғри белгиланиши мумкин”.

1920 йилнинг январида бўлиб ўтган Туркистон Коммунистик партиясининг V Ўлка конференциясида таъкидланганидек, ўлка большевикларининг Туркистондаги иқтисодий сиёсатининг асосий тамойили, асосий ёндашуви бу бир томондан бутун Совет федерацияси умумий иқтисодий манфаатларининг унинг алоҳида қисмлари (яъни миллий республикалар) манфаатидан юқори туришини эътироф этиш бўлса, иккинчи томондан Марказий Россиянинг ҳам моддий, ҳам ташкилий — бошқарув

жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб қувватланишиз ўлка хўжалигининг ривожланиши умуман мумкин эмаслигини тан олишдир [2; 71].

Шундай қилиб, большевиклар томонидан қабул қилинган қарорлар моҳиятидан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, Туркистондаги совет ҳукумати биринчи навбатда Совет Россиясининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилди. Унинг манфаатлари ўлканинг иқтисодий истиқболларидан ва туб аҳолининг ижтимоий манфаатларидан ҳам юқори қўйилиб, маҳаллий большевиклар ўзларининг иқтисодий сиёсатини Марказ иқтисоди ривожланишининг устувор йўналишларига мослаштирилар.

1920 йилларнинг ўрталарида большевиклар СССРда социализм қуриш вазифасини амалиётга татбиқ қилишни бошладилар.

Ўзбекистон ССР ташкил топгач, республика ҳалқ хўжалигида Марказнинг манфаати аввалгидан ҳам кўпроқ устуворлик қила бошлади ҳамда республиканинг иқтисодий ривожланиши, авваламбор, Россиянинг саноатини ривожлантириш стратегияси – индустрялаштиришни амалга ошириш, оғир, машинасозлик, химия саноатларини яратиш ва ривожлантириш, яъни социалистик иқтисод асосларини бунёд қилиш билан боғлаб қўйилди.

Жумладан, большевикларнинг сиёсий етакчилари янги шароитларда СССРда “социализм қурилишининг назарий масалаларини” ўрганиб чиқиб, улар ўзларининг амалиётида Лениннинг социализм дастлаб бир неча ёки ҳатто алоҳида битта капиталистик мамлакатда ҳам ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги “назариясига” асосландилар.

Уларнинг фикрига кўра, СССРда социализм қуришнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланган “Россиядаги пролетариат давлати қўлидаги иқтисодий куч коммунизмга ўтишни таъминлаш учун мутлақо етарли эди” [3; 347]. Бу “иқтисодий куч” 1917 йилнинг октябрида Россияда ҳокимият тепасига большевиклар келгач ва йирик ишлаб чиқаришни, банкларни экспроприация (мусодара) қилиш ва иқтисод устидан давлат монополиясининг ўрнатилиши натижасида вужудга келган эди.

Большевиклар Лениннинг “социализмнинг дастлаб бир неча ёки ҳатто алоҳида олинган битта капиталистик мамлакатда ғалаба қилиши мумкин”лиги ҳақидаги “назариясии” 1920 йилларнинг ўрталарида СССРда социализм қуриш шарт-шароитларига мослаштиришга ҳаракат қилиб, уларнинг сиёсий раҳнамоси “СССР таркибиға кирган битта республикани эмас, балки Россия “пролетар давлати”ни, яъни бутун Совет Иттифоқини назарда тутганлигини уқтиришди [3; 347].

Шундай қилиб, “янги большевикча назариясига” кўра, “иқтисодий бошқарув”ни ўз қўлида тутган “пролетар давлатнинг мавжудлиги” социализм қуришни таъминлаб берувчи “асосий шарт-шароитдир” деб белгилаб берилди.

Социализм қурилишининг бошқа бир шарт-шароити, бу “ушбу мамлакатда йирик ишлаб чиқариш ва юксак техниканинг мавжудлигидир, акс ҳолда социализмни йирик капиталистик техникасиз қуришни тасаввур қилиш мумкин эмас эди” дея таъкидланди [3; 347].

Ўз навбатида асосан Марказ вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон ССРнинг сиёсий раҳбарияти республикада социализм қурилиши шарт-шароитларни ўрганиб чиқиб, “агар уни (Ўзбекистон ССРни – Мұх.) СССР билан алоқалардан ташқарида, ўзига хос “алоҳида олинган мамлакат” деб қарасак, бу ерда йирик ишлаб чиқариш ва юқори

техниканинг йўқлиги ҳамда саноатдаги ишчиларнинг камлиги (улар амалда маҳаллий аҳоли орасида бўлмаган – Б.П.) боис албатта, бу ерда социалистик қурилиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас” деб эътироф этишди [3; 347].

Шу аснода, бир томондан, республика сиёсий раҳбарияти Ленин “назариясига” таяниб, юқорида кўрсатилган сабабларга қўра, Ўзбекистон ССРда социализм қуриш мумкин эмаслигини эътироф этдилар. Аммо, шу билан бирга “бу назария, айни чоғда республика халқ ҳўжалиги ва иттифоқ иқтисоди ўртасида ўзига хос алоқалар ўрнатилганлиги туфайли (таъкид бизники – Б.П.) республика халқ ҳўжалигига социалистик унсурларнинг тез ўсиб боришидек қизиқарли жараён рўй бераётганлиги каби мавжуд далилларни ҳам мутлақо инкор этмайди” деган хулоса ҳам қилинди [3; 347].

Республика сиёсий раҳбариятининг фикрига қўра, Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалигини “социалистик аснода ташкил қилишнинг бош шарт-шароити” бу унинг Совет Иттифоқи халқ ҳўжалиги ва бутун ижтимоий-иқтисодий структураси билан узвий боғланганлиги, шунингдек тезлик билан ўсиб бораётган социалистик элементларнинг мавжудлиги эди.

Ўзбекистон шароитларида большевикча андозадаги социализм асосларини яратиш, жумладан совет маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётининг қарор топиши учун қўйидаги сиёсий тамойиллар устувор ҳисобланган:

а) ЎзССРда пролетар диктатурасига мос элементлар ва захираларни мустаҳкамлаш ишида *иттифоқ пролетариати ва ВКП(б) томонидан тўла раҳбарликни* (Таъкид бизники — Мух.) амалга ошириш; б) ЎзССР халқ ҳўжалигининг СССР халқ ҳўжалиги ва ижтимоий-иқтисодий тузилмалари (структуралари) билан мавжуд алоқаларини сўзсиз сақлаш ва мустаҳкамлаш [3; 347-348].

Шундай қилиб, республикада социалистик иқтисод асосларини яратиш масаласидаги большевикча “назарияга” қўра, – “Бу икки шарт-шароитни амалга ошириш СССР ва ЎзССРнинг социаллашаётган дастаклари (ричаглари) ва ресурсларини ҳар томонлама жипслаштиради ва бир ерга жамлайди, шу асосда хўжалик бошқарув органларининг яратувчанлик моҳиятини кучайтиради”.

Вазифанинг бундай мазмунда қўйилиши, республикада социалистик иқтисодни қуриш жараёнида, авваламбор “иттифоқ пролетариати ва ВКП(б) томонидан тўла раҳбарликни амалга оширилиши” большевиклар партияси учун биринчи даражали аҳамият касб этганлигидан гувоҳлик беради.

Амалда эса Ўзбекистонда совет социалистик иқтисод пойдеворини яратиш учун 1920 йилларнинг ўрталарида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилиб қўйилди:

1. СССРнинг социалистик саноати ЎзССР давлат саноати билан қўшилиб миллионлаган маҳсулот ишлаб чиқарувчи – деҳқонлар билан давлат органларидағи пахтачилик ташкилотлари ва кооперация (ширкат)лар орқали боғланган ҳолда, бу хўжаликларнинг нокапиталистик эволюциясини таъминлаб беради ва умумий социалистик қурилиш жараёнига оммавий кооперация орқали тортилади.

2. Социалистик транспорт режали – социалистик халқ ҳўжалиги товар айланмасини тартибга солишни амалга оширади;

3. Кредит институтларнинг маблағ жамланмаси республика молия-кредит тизимида режали-социалистик таъсирни таъминлайди, яъни молия тизимида “режали иқтисод асосларини” жорий этиб, аста-секин “судхўр хусусий капиталистик кредитни” сиқиб чиқаради;

Давлат савдоси ва кооперация социалистик секторнинг халқ хўжалиги айланмасидаги ялпи салмоғини тизимли равишда ошиб боришини бевосита амалга оширади. Айни вақтда республика давлат саноатининг интенсив ўсиб бориши бевосита халқ хўжалигидаги жамоалаштирилган (обобществленный) секторнинг, унинг таркибида “социалистик типда бўлган” янги корхоналарни киритган ҳолда, кўпайиб боришига олиб келади,

Совхозлар, колхозлар, машина ширкатлари, трактор артеллари ва бошқаларнинг ривожланиши қишлоқ хўжалигига социалистик аломатларнинг (элементларнинг) аста-секинлик билан ўсиб боришини таъминлаб беради [3; 347].

Шундай қилиб, дастлаб Туркистанда ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳукумати ҳам, кейинчалик Ўзбекистон ССРнинг сиёсий раҳбарияти ҳам биринчи ўринда Марказнинг, яъни совет Россиясининг стратегик манфаатларини ҳимоя қилди, республиканинг миллий истиқболига, унинг ижтимоий — иқтисодий ривожланишига эса иккинчи ёки ҳатто учинчи даражали муаммо сифатида қарашди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда 1920-30 йилларда шаклланган бир укладли иқтисод авваламбор республика саноатида хомашё сектори ва қишлоқ хўжалигининг, биринчи ўринда пахтачиликнинг ривожланиши устувор аҳамиятга эга бўлганлиги билан характерлидир.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. История Узбекской ССР. Том II. Ташкент. Издательство Академии наук Узбекской ССР. 1957.
2. Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. Ташкент: «Узбекистан». 1988.
3. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925–1986). В 4-х томах. Т. 1. Ташкент: Узбекистан, 1987.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/6 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).